



Хомашёдан тайёр маҳсулотнинг даромади мўл

2-с.

Фақат билимда эмас, ҳунарда ҳам моҳирлар кўп

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**2025 йил
28 июнь,
шанба**

Маҳалла

**№52
(2276)**

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри юртдошлар!
Аввало, Янги Ўзбекистоннинг янгиланаётган матбуотида, телерадиоканаллар, интернет нашрлари, нашриёт ва матбаа корхоналарида, ахборот хизматлари ва платформаларида ўз бурчини сикдидилдан адо этиб келаётган сиз, ҳурматли журналистлар, муҳтарам фахрийларни, барча ижодий ва техник ходимларни бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.
Глобал ижтимоий-сиёсий жараёнлар беқиёс шиддат билан ўзгараётган ҳозирги ўта мурак-

каб ва нотинч дунёда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири ҳар қачонгидан ҳам кучли аҳамият касб этаётганини ҳаммамиз сезиб-англаб турибмиз.
Шу маънода, бепоён меди-аоламда ҳолис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш билан бирга, миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қиладиган журналист аҳлининг машаққатли меҳнатини муқаддас сарҳадларимизда сергак турган Ватан посбонларининг жасоратига қисласак, ўйламанки, ўринли бўлади.
Ушбу кутлуғ айёмда мамлака-

тимизда амалга оширилаётган тарихий ишларга ўз истеъдоди, профессионал маҳорати билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган оммавий ахборот воситаларининг барча ходимларига халқимиз номидан юксак ҳурмат ва эзгу тилаклар изхор этиш мен учун катта шарафдир.
Азиз дўстлар!
Атоқли жадид бобомиз Ҳожи Муин айтганидек, **“Матбуот тарихи – Ўйғонув даври тарихининг бир бўлагидир”**.
Биз кейинги йилларда, улғу аждодларимиз бошлаб берган ибратли анъаналарни давом

эттириб, демократик жамиятнинг муҳим шартини таъминлаш бўлган оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантиришга устувор эътибор қаратмоқдамиз.
Ана шундай ёндашув туфайли медиа маконимизга илғор лойиҳа ва технологиялар, янги мулк муносабатлар жадал кириб келмоқда. Республикада фаолият кўрсатаётган 2 минг 400 га яқин оммавий ахборот воситаларининг 65 фоизи но-давлат сектор ҳиссасига тўғри келаётгани, хусусий нашрлар, телерадиоканаллар, интернет ре-сурслари тобора ортиб, улاردан

фойдаланувчилар сони 14,7 миллиондан 32,7 миллионга етгани, ахборот контентларини яратувчилар сафи кенгайиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг медиа соҳасидаги салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.
Айниқса, миллий медиа-контентни ривожлантириш йўлида ёш ижодкорлар, мустақил студия ва продюсерлик марказлари фаолияти кўллаб-қувватланаётгани виртуал маконда юксак сифатли, рақобатбардош лойиҳалар пайдо бўлиши учун замин яратмоқда.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

“Ташвиш тугмаси” ташвишсиз яшашни таъминляпти

Биринчи навбатда, ҳар қандай кўнгилсизликни келтириб чиқараётган муаммоларни бартараф этиш лозим. Энг муҳими, фуқароларни жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича кўпроқ хабардор этиб, қонун устуворлигини муқаррар таъминлашдир. Шунда ҳар бир маҳалла жиноятдан холи бўлади.

5-с.

Янги ғоя ва лойиҳа ижтимоий фаолликни оширади

“Ҳар кун эрта тонгда ишга отланар эканман, хаёлан кимга қандай ёрдам беришим кераклигини режалаштираман. Доим қилинадиган ишлар топилади. Баъзан оилаларни камбағалликдан чиқариш ҳамда фаровон турмуш кечиришига қўмақлашсак, баъзида ногиронлиги бўлган фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилашга ҳаракат қиламиз”.

7-с.

Фарзандни уриб тарбиялаш тўғрими?

“Келинимнинг бир ишидан кўнглим ранжийди. Набираларимни кўп уради. Қанча насиҳат қилдим, ҳатто қаттиқ гапириб ҳам кўрдим, ҳеч фойдаси бўлмади. Барибир ўз билганидан қолмайди. Сабабини сўрасам, тушунтириб беролмайди. Келинимнинг қиладиган иши тўғрими?”

8-с.

МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Айни кунларда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Куронбоев бошчилигидаги қатор масъул ташкилотлар вакиллари билан иборат делегация АҚШда хизмат сафарида бўлиб турибди.



●●●●● ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қароргоҳида “Маҳалла институти аҳоли билан давлат ўртасида муҳим ижтимоий кўприк” мавзусида конференция ўтказилди. Унда Президентимиз ташаббуси билан

мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, маҳалла тизимидаги кенг қўламли ўзгаришлар ҳақида тақдимот қилинди.
Халқаро анжуманда БМТнинг Непалдаги Доимий Вакили Лок

Баҳадур Тхапа, Ёшлар ишлари бўйича Бош котибнинг ёрдамчиси – БМТ Ёшлар бюроси раҳбари Фелипе Пауллер, Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили Улуғбек Лапасов, қатор хорижий тузилмалар ва маҳаллий ташкилотлар

вакиллари иштирок этди.
Ўзбекистонда уч минг йиллик тарихга эга, дунёда ўхшаши бўлмаган тузилма – маҳалла институти асрлар давомида халқимиз ҳаётининг ажралмас қисми бўлиш билан бирга, қадриятлар, орзу ва

максаллар асоси бўлиб келган. Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан маҳалла тизими бугун жамиятимизда кечаётган ислохотларнинг ҳал қилувчи бўғинга айланди.

Давоми 2-саҳифада.

●●●●● ЭТИРОФ Mahalla БМТ МИНБАРИДА!



БМТ Бош қароргоҳида ўтказилган халқаро анжуман қатнашчиларига маҳалла тизимидаги кенг қўламли ўзгаришлар акс этган маълумотномалар, фотожамланмалар, видеороликлар билан бирга, “Mahalla” газетасининг Махсус сони – тўлиқ инглиз тилида чоп этилган нашр тақдим этилди!

“МАНАЛЛА” ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИНИНГ БМТНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ МИНБАРИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛИШИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЛК ГАЗЕТА НАШРИ СИФАТИДА ТАРИХГА МУҲРЛАНДИ!

●●●●● МОҲИЯТ ЭНДИ РАҲБАРЛИККА “ЕТТИЛИК” АЪЗОЛАРИ ТАЙИНЛАНДИ

2025 йил 23 июнда “Давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди.

Фармонга асосан, маҳаллада фаолият кўрсатиб, сўнгги икки йиллик иш фаолияти давомида ижобий натижаларга эришган маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторларидан иборат 1000 нафар Салоҳиятли кадрлар захираси шакллантирилди ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги тавсиясига асосан лавозимларга танловсиз тайинланади.

Салоҳиятли кадрлар захирасига номзодлар, қонда тариқасида, 25-40 ёш бўлган олий маълумотли, билимли, давлат хизматида қизиқиши бор, шижоатли ва ташаббускор бўлиши керак. “Еттилик”нинг юқори туровчи ташкилотлари уллар ҳақидаги маълумотларни Истикболли кадрлар маълумотлар базасига кириштириб боради.

Номзодларни саралаш уч босқичда ўтказилади: дастлаб туман (шаҳар) ҳокимининг ҳулосаси асосида бирламчи саралаб олинди, сўнгра уллар онлайн тест синовидан ўтказилади, кейинги босқичда улларнинг бошқарув кўникмаларини эгаллаганлик даражаси, тизимли ва тахлилий фикрлаш қобилиятини баҳолаш, шунингдек, етакчилик сифатларини аниқлашга қаратилган суҳбатлар ташкил этилади.

Тавсия этилаётган номзод:

- олий маълумотли;
- эгаллаб турган лавозимда камида 2 йил фаолият кўрсатган;
- камидан уч йил иш стажига эга;



• иш фаолиятида юқори натижадорликка эришган (КР);

• ҳудуд аҳолиси орасида етарлича обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Номзодларни саралашда маҳалла аҳолисидан, шу жумладан, Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларнинг ижобий ҳал этилгани алоҳида инобатга олинади.



Президент Шавкат Мирзиёев Олий Евросиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида КУЗАТУВЧИ ДАВЛАТ РАҲБАРИ МАҚОМИДА иштирок этади.



Президент имзолаган қонунга кўра, БАНКЛАРНИ САНАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ белгиланди.



Ўзбекистон йил бошидан буён 6,5 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ОЛТИН экспорт қилди.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини, матбуот ва сўз эркинлигининг қонуний ижросини таъминлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Биз келажакимиз эгалари бўлган фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш билан бирга, уларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу борада 2030 йилгача болалар учун мўлжалланган миллий концентлар, жумладан, нашр маҳсулотлари фойда солиғидан озод қилиниб, ижтимоий солиқ 1 фоиз миқдоридан белгилангани, қўшил-

ган қиймат солиғини қайтариш тартиби жорий этилгани муҳим қадам бўлди.

Ана шу ўзгаришларнинг давоми сифатида яқинда Болалар контентини ривожлантириш марказини ташкил этдик. Ушбу марказ ёш авлодимизни миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни эзгулик ва маърифатга ошно этиш бўйича амалий ҳаракатларни бошлаб юборгани албатта эътиборлидир.

Бу ҳақда гапирганда, он-лайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилганини ҳам қайд этиш лозим.

Хозирги вақтда сунъий интеллект технологияларининг шиддат билан ривожланаётгани журналистика учун катта имкониятлар очиб билан бирга, бу борадаги ишларимизни замон талабларига мос ҳолда йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўз касбини, она тили билан бирга хорижий тилларни, ИТ технологияларини пухта эгаллаган, жонкуяр ва ватанпарвар янги журналистлар авлоди этишиб келаётгани барчамизни хурсанд қилади.

Айни вақтда оммавий ахборот воситаларида ҳолислик ва қонун устуворлигини таъминлаш, профессионал билим ва маҳоратни

ошириб бориш, ахборот тарқатишнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, аҳоли ўртасида ахборот, баҳс ва мулоқот маданиятини шакллантириш, жамиятимиздаги турли иллатлар, коррупция балосига қарши курашиш каби долзарб вазифалар бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Қадри оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Мамлакатимиз журналистлари ва ижодий жамоалари томонидан билдирилган таклифларни инобатга олиб, бу йил "Олтин қалам" миллий мукофоти биринчи марта 27 июнда – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунда топширилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, бугун

сизларнинг иштирокингизда тантанали равишда тақдирланган барча танлов ғолибларини ва юқсак давлат мукофотларига сазовор бўлган соҳа ходимларини чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Сизларнинг ҳар бирингиз келгусида ўз тажриба ва маҳорат мактабингизни яратиб, миллий журналистикамиз равнақига янада катта ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.

Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари ходимларининг

машаққатли меҳнатини қадрлаш, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бундан буён ҳам Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан табриқлаб, қалбимдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Доммо соғ-омон бўлинг, масъулиятли ва шарафли меҳнатингиздан барака топинг, азизлар!

Шавкат Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президенти

●●●●● ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Маҳалла тизими халқаро миқёсда тақдимот қилинди



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Маҳалла – Янги Ўзбекистон даврида мазмунан трансформациялашди ва БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларидаги 17 та мақсад ҳамда 169 та вазифани бажаришда энг фаол асосий ижтимоий институтга айланди.

Шу билан бирга, **маҳалла фақат миллий модел эмас, балки глобал ҳамкорликнинг муҳим йўналиши** саналади. Маҳалла миқёсда шакллانган тажрибалар кўпчилик хорижий экспертларни мазкур тузилма тарихини ўрганиш, унинг бугунги ислохотлар жараёнларидаги иштирокини баҳолаш, бевосита Ўзбекистонга келиб, маҳалла муҳитида яшаб кўриб, таҳлил қилишга чорляпти.

Худди шундай, ўзини ўзи бошқариш тизимини такомиллаштириш, айна йўналишда халқаро тажрибани ўрганиш борасида муайян ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси БМТнинг қатор тузилмалари – **БМТ Тараққиёт дастури (UNDP), БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA), БМТ Болалар жамғармаси (UNICEF)** билан **ҳамкорлик меморандумлари** имзолади. Ушбу ҳамкорликлар орқали гендер тенглиги, ёшлар иштироки, инклюзив сиёсат, ижтимоий хизматларни маҳал-

лийлаштириш йўналишларида қўшма лойиҳалар амалга ошириляпти.

БМТ Бош қароргоҳида ташкил этилган конференцияда қатор жаҳон ташкилотлари раҳбарлари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар алоҳида эътироф этилди. Маҳалла тизими, унинг аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашдаги ўрни кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Ташриф доирасида Қаҳрамон Куронбоев БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ижрочи директори Ўринбосари Диене Кейта хоним билан учрашди.

Кейта хоним Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда бўлаётган ислохотлар, хусусан, гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизлар, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёшлар сиёсатида олиб борилаётган ишларни алоҳида эътироф этди.

– *Ўзбекистон, бу – оила. Унинг азвоси эканимиздан жуда хурсандимиз, – деди Кейта хоним. – Маҳалла юракка яқин сўз. Уни таржимасиз тушунамиз. Шунини алоҳида қайд этиш керак, маҳалла институти мамлакатимизда тўлиқ ўзини намойён этмоқда. Меннинг энг катта орзум – кўнра Самарқандга бориш ва у ерда маҳаллалар фаолияти билан танишиш. Хозирда жамғармаимиз репродуктив саломатликни тарғиб*

қилиш, гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистондаги демографик жараёнлардан хабардорликни ошириш каби соҳаларда фаолият олиб борапти.

Учрашувда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда UNFPA билан келгусида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар муҳокама қилинди.

Уюшма раиси БМТ иқтисодий ва ижтимоий кенгаши вице-Президенти Лок Баҳадур Тҳапа билан учрашди.

Учрашувда жаноб Баҳадур Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этди. Мулоқот давомида БМТ иқтисодий ва ижтимоий кенгаши билан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш, келгусида биргаликда манфаатли лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Лок Баҳадур Тҳапа БМТнинг Непалдаги Доимий Вакили ҳам саналади. Уюшма раиси ва жаноб Баҳадур Ўзбекистоннинг ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги тажрибасини Непалда татбиқ этиш, ўзаро малака ошириш ишларини ташкил қилиш масалаларини муҳокама қилди.

Ташрифнинг навбатдаги бекати – Флорида. АҚШнинг жанубий қисмидаги штатда айни пайтда минглаб ватандошларимиз истиқомат қилишади.

Маълумки, Имом Бухорий Ислом оламнинг энг машҳур муҳаддисларидан. У кишининг Ҳадислар тўплами Куръони Каримдан кейинги иккинчи мана саналади. Юртимиз ана шундай алломаларга бешик бўлган. Ҳатто океан ортида ҳам боболаримизнинг илм нури таралиб турибди. Орпалдодаги Ал-Бухорий Ислом марказининг жамоат борлашмаси бугунги кунда АҚШдаги ўзбеклар ва, албатта, бошқа миллат вакилларига беминнат илм улашмоқда.

Флоридада ташрифдан асосий мақсад – бу ерда яшовчи ватандошларимиз ҳаёти билан танишиш, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни етказишдир. Делегация вакиллари улар билан бир дастурхон атрофида йиғилди. Сухбатларда юртодошларимиз Ўзбекистонни жуда яхши кўришларини баён қилишди. Улар орасида мамлакатимизга инвестиция киритишга тайёр ватандошларимиз ҳам талайгина. Уларнинг режалари тингланди, ҳар бир лойиҳага, албатта, амалий қўмак кўрсатилишига келишиб олинди.

●●●●● ОБОДЛИК

Хомашёдан тайёр маҳсулотнинг даромади мўл

Маҳалламиз Қирғизистон Республикаси билан чегара ҳудудда жойлашган бўлиб, 800 дан ортиқ оилада 1 912 нафар аҳоли истиқомат қилади. “Усиш нуқта” – чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик ва узумчилик.



Абдулхамид ТЕМИРОВ, Жалақудуқ туманидаги “Кутлуғ” маҳалласи раиси.

Яқин-яқингача аҳолини инфратузилма билан боғлиқ муаммолар қийнаб келарди. Йўллар таъмирталаб эди. 2024 йилда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида бошланган кенг кўламли ишлар натижасида муаммоларга ечим топилди. Ичимлик сув, электр энергияси, табиий ва суолтирилган газ таъминотини яхшилаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган сайёҳаракатлар ёшув қарини беҳад қувонтирди. Энг чекка ҳудудларда амалга оширилаётган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларидан аҳоли мамнун.

Жараёнда ҳар бир хонадонга кириб, одамлар билан суҳбатлашдик, уларнинг шарт-шароити ўрганилди. Тараққиёт, Ширин ва Наво кўчалари ободонлаштирилди, деворлар, дарахтлар оқланиб, кўчалар, ариқлар тазаланди. Электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида эски симёғочлар темир-бетон устунларга алмаштирилди, иккита трансформатор таъмирланди, қўшимча иккита янги трансформатор ўрнатилди, электр тармоқ тортилди. 2 километр узунликдаги йўл асфальтланди. Аҳолининг ҳамжихатлиги билан “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида Наво кўчасидаги 3 километр ички йўл замонавий кўринишга келтирилди. Ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида Тараққиёт кўчасига 2 километр, Наво кўчасига 800 метр масофада йирик ўлчамдаги қувур ётқизилди, ҳар бир хонадонга алоҳида тармоқ тортилди. Бўш турган ерлардан самарали фойдаланиш, одамларга қўшимча даромад топиш имконини яратиш мақсадида Ширин кўчасининг 400 метр қисмига кредит асосида узум воишлари қуриб берилди.

Ердамга муҳтож, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жорий йил бошида “Аёллар дафтари” та

20 нафар хотин-қиз киритилган бўлиб, хозирга қадар уларнинг деярли барчасига зарур ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 12 нафар аёлга бир мартлик ёрдам пули берилди, яна бир гуруҳ аёлларга субсидия ва кредит маблағи ажратилди. Улар турли йўналишларда ўз хонадонда тadbиркорлик фаолиятини бошлаш, даромад топиш имконига эга бўлди. Маҳаллага яқин ҳудудларда фаолият юритаётган трюкотаж корхоналарига 10 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, яна бир гуруҳ опа-сингилларимизга деҳқончилик қилиш учун 15 сотихдан ер ажратиб берилди.

Тўланой Зулпиева хонадондаги 2 сотих ерга имтиёзли кредит асосида иссиқхона қуриб берилди. Йилига 3 марта ҳосил этиштириб, яхшигина даромад олмақда.

“Ёшлар дафтари”га 13 нафар йигит-қиз киритилган бўлиб, хозирга қадар 12 нафар ёшнинг муаммоси ижобий ҳал этилди, улар рўйхатдан чиқарилди.

Тараққиёт кўчасида яшовчи Авазбек Жўраев 2-гуруҳ ноғирони, турмуш ўртоғи Муҳаббатхон фермер ҳўжалигида меҳнат қилади. Уларнинг икки нафар қизи бор. Яшаш шароитлари қийинроқ бўлгани учун “маҳалла еттичилиги” ташаббуси билан хашар асосида уларнинг уйи таъмирлаб берилган эди. Яқинда туман ҳокимлиги, саховатпеша инсонлар кўмагида ушбу оиланинг бир қизи бекаму кўст қилиб турмушга узатилди.

Мавжуд имкониятлар билан чекланиб қолишни истамай-миз. “Маҳалла еттичилиги” билан ҳамкорликда “драйвер”имизни янада ривожлантириш, қўшимча тармоқларни ишга солиш бўйича янги режалар ишлаб чиқдик. Жумладан, шу кунгача мева-сабзавотларни сотиш билан шуғулланиб келган бўлсақ, энди уларни қайта ишлаш, қадоқлаш орқали хорижга экспортини йўлга қўймоқчимиз. Чунки хомашёдан тайёр маҳсулот анча қиммат туради. Шу мақсадда тadbиркор кўмагида мева-сабзавотларни қуриштириш, қадоқлаш, сутни қайта ишлаш корхонаси ташкил этилди. Бундан ташқари, сақлаш учун музлатгич қуриш режалаштирилган.

●●●●● МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

250 та хонадонга оқова сув келди

“Қамбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида Ўзбекистон туманидаги “Шўрқилшоқ” маҳалласида оқова сув муаммосига ечим топилди.

Мафтуна МАМАСИДИҚОВА.

Бунинг учун иккита сугориш қудуғи қазилиб, янги тармоқ тортилди.

– Маҳалла “драйвер”и – деҳқончилик, чорвачилик ҳамда сугурги етиштириш. – *деди “Шўрқилшоқ” маҳалласи раиси Абдужалол Иброҳимов. – Лекин оқова сув муаммоси сабабли “Усиш нуқта” мизни янада ривожлантиришга қийналардик. Айнан шу сабабли оғир ҳудуд тоифасига киритилдик. Ниҳоят, мазкур муаммога ечим топилди. Иккита сув қудуғи қазилиб, янги тармоқ тортилди натижасида 250 дан зиёд*



хонадонга оби-ҳаёт кириб борди. Тормоқчиликни ривожлантириш имконияти пайдо бўлди. Эътиборини, худуд инфратузил-

маси билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Жумладан, эски симёғочлар ўрнига 18 та бетон устун ўрнатилди.



“Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш” КОНЦЕПЦИЯСИ ТАСДИҚЛАНДИ.



Аҳоли муаммоларини ҳал этиш “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” – ТУМАН (ШАҲАР) КЕНГАШИ – ВИЛОЯТ КЕНГАШИ – СЕНАТ” тамойили асосида кучайтирилади.



Жамоатчилик асосида маҳаллий Кенгашлар қошида ЁШЛАР ГУРУҲЛАРИ ҳамда МАСЛАҲАТ ГУРУҲЛАРИ ташкил этилади.

ТАШАББУС

БИЛАСИЗМИ?

“Бўш ва ташландиқ бинолардан самарали фойдаланяшимиз”



Ҳеч шубҳасиз, “маҳалла еттилиги” ташкил этилгани, ҳоким ёрдамчиси иш бошлагани аҳолига жуда қулайлик яратди. Масалан, авваллари фуқаро кредит олиш учун банкка қатнайвериб, ковуши йиртилари. Ийлаб юурса-да, ё оларди ёки йўқ. Энди бу муаммо тарихда қолди.

Абдулло ОРИПОВ,
Когон туманидаги “Сараён”
маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Хозир тадбиркорлик билан шуғулланишни истаганларга ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида маблағ ажратилапти. Айнан шу имконият ва имтиёз самарасини маҳалламиз мисолида кўриш мумкин. Худудда 3 743 нафар аҳоли яшайди. Асосий “драйвер” – хиз-

мат кўрсатиш ва паррандачилик. “Ўсиш нукта” миздан фойдаланиб, ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга эришяпти. Жумладан, жорий йил бандлиги таъминланган 350 нафар фуқаронинг 25 нафари оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди. Бундан ташқари, 18 нафари “Маҳалла лойиҳаси” дастури асосида, 41 нафари 10 сотихдан томорқа ер майдони ажратиш ҳисобига, 21 нафари мавжуд бўш ўринларига ишга жойлаштириш эвазига ишсизлар рўйхатидан чиқарилди.

“ Табиий газ масаласи аҳолини кўп йиллардан буён қийнаб келарди. 350 та хонадонга борувчи газ қувурлари эскириб, босим камлигидан кўплаб муурожаатлар тушганди. 1 км. қувур янгисига алмаштирилди.



Ўзини ўзи банд қилганлар 240 нафарни ташкил этди. Бўш ва ташландиқ ҳолда ётган бинолардан самарали фойдаланяшимиз. Масалан, худудда жойлашган 130 метр квадрат майдонни миллий ширинлик ҳамда қандолат маҳсулотлари пишириб сотиш цехи учун Азиз Ширинов ва унинг турмуш ўртоғига ажратдик. Шу кунгача уй шариоқта меҳнат қилиб келган оила бугун “Севинч Азизабону” оилавий қандолат корхонасини ташкил этиб, қўшимча 6 нафар ёшни иш билан таъминлади. Уларга “Хар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 68 млн. сўм имтиёзли кредит маблағи тақдим этдик. Бундан ташқари, Саид Нарзиёв раҳбарлигида кулуннай етиштириш кооперацияси асос солинди. Аёзо бўлиб қирган 10 нафар оғир шариоқтаги ёшларга 10 сотихдан ер тенг тақсимлаб берилди. Улар ернинг 2 сотихида иссиқхона ташкил этиб, “Виктория” навли серхосил кулуннай етиштиряпти. Қолган қисмида сабзавот маҳсулотлари парваришляпти. Шунингдек, 13 нафар ишсиз фуқаро томорқасидаги 1 сотихдан ерда сабзи етиштиряпти. Уларга зарур уруғлик бепул тарқатилди. Маҳалланинг барқарор ривожланишида транспорт, энергетика, коммунал, ижтимоий ва бошқа инфратузилмаларнинг мавжудлиги катта аҳамиятга эга. Маҳалламизда 14 км. ички йўл мавжуд бўлиб, 3 км. қисми таъмирталаб эди. Саъй-ҳаракатимиз билан йўлнинг 1 км. қисми шағаллаштирилди. 375 метр қисмини бетонлаштирилди. Келгусида маҳалла “драйвер”и сифатида қорвачилик ва бўрдоқчиликни ривожлантириш ҳамда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳасини такомиллаштиришни белгилаб олдик.

ТАДБИРКОРЛАРГА ЯНА БИР ИМКОНИЯТ ЯРАТИЛДИ



“Мамлакатимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш рағбатлантирилади. Яъни Солиқ кодексига белгиланган алоҳида солиқлар бўйича имтиёзлар Тошкент вилоятидаги 4- ва 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу худудларда фаолият юритадиган тадбиркорларга ҳам татбиқ этилиши белгиланди. Шунингдек, Президент фармони билан тасдиқланган Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодий тармоқлари рўйхатига “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш” йўналиши киритилди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қамолiddин ТўРАЕВ,
Чироқчи тумани:

– Хонадонимда қандолат маҳсулотлари тайёрлаб, сотувини йўлга қўйганман. Шу иш ортидан оила аъзоларимнинг бандлиги таъминланган. Кунни кеча ҳоким ёрдамчиси бу фаолиятимни расмийлаштирмасам, жавобгарликка сабаб бўлишини айтди. Қонунчиликда қандай жавобгарлик белгиланган?

БИЗНЕС ФАОЛИЯТИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛМАСА...



Аброрбек ЭЪЗОЗОНОВ,
“Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

– Дарҳақиқат, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошириш жавобгарликка сабаб бўлади. Жумладан, ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинади. Шунингдек, юқоридаги моддада биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга енгиллик яратилган. Агар у ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан 30 кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъектининг рўйхатдан ўтказилишини таъминлаган ва зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган бўлса, ҳуқуқбузарлик нарсаларини мусодара қилмасдан жавобгарликдан озод этилади. Сиз бу вазиятда “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтсангиз бўлади.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

ТАРВУЗ ПАРВАРИШИДАГИ ХАТОЛИКЛАРДАН САҚЛАНИНГ!

Тарвуз қурғоқчиликка жуда чидамли бўлишига қарамай, юртимиз шариотида сўғориб парвариш керак. Бироқ ҳаддан ташқари сернам тупроқ экинга салбий таъсир этади, мевадаги қанд моддаси камаяди, пўсти қалинлашади, ҳар хил замбуруғ касалликларига, жумладан, фузариоз сўлиш касалига чалинади.



Рустам НИЗОМОВ,
Сабзавот, полиз экинлари, картошқачилик илмий-тадқиқот институти директори.

Бўз тупроқли ерларда ўсиш даврида ҳар гектарига 400-500 м² ҳисобида 8-9 марта суғорилади. Сизот сув юзада жойлашган даладарда эса бўз тупроқли ерларга қараганда камроқ, 4-5 марта суғорилади. Ўсиш даврида палагини сув билан бир текис таъминлаш ҳосилдорлик гаровидир. Биринчи чопиқча қадар 1-2 марта суғорилади. Кейин экин 20-25 кунгача сувдан қайтарилади. Бу даврда илдири чукрулашади, палагининг найчаллаши, мева тугиши тезлашади. Навбатдаги сув иккинчи чопиқ олдидан берилди. Шундан кейин тарвуз экини ҳосил тўплашга киришади ва сувга талаби ошади. Бу даврда ҳар 10-12 кунда суғориб туриш керак. Тарвуз пиша бошлаши билан суғориш камайирилади. Ҳосил етилганда тўлиқ тўхтатилади. Акс ҳолда, қанд моддаси камайиб, узоқ сақлашга ярамай қолади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

64-Халқаро “Гуллар фестивали” доирасида Наманган вилояти маҳаллалари ўртасида “Энг гулзор – энг обод маҳалла” кўрик-танлови ташкил этилди.



“Энг гулзор – энг обод маҳалла”

Танловнинг Наманган шаҳар босқичи бўлиб ўтди. – Ушбу ташаббус маҳаллаларни янада кўркам ва гулзор қилиш, аҳоли ўртасида эстетик дид ва экологик маданиятни юксалтириш, ободонлаштириш ишларини рағбатлантириш мақсадида ўтказилмоқда, – дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Наманган шаҳар бўлими бошлиғи Мирзохид Маҳмудов. – Тадбирнинг дастлабки кунинда амалга оширилган ишлар – гуллар билан безатилган худудлар, яшил майдонлар, ободонлаштириш лойиҳалари кўздан кечирилди. Танловда иштирок этаётган маҳаллалар фаолияти махсус комиссия томонидан кўриб чиқилди.

Унда натижаларга кўра, Наманган шаҳридаги “Зиёкор” маҳалласи Ғолиб сифатида эътироф этилди. Бетакор гул қўрағамлари ва худуднинг озодлиги ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Ғолиблар 64-Халқаро “Гуллар фестивали” доирасида тантанали равишда тақдирлашни режалаштирилган.

Унда натижаларга кўра, Наманган шаҳридаги “Зиёкор” маҳалласи Ғолиб сифатида эътироф этилди. Бетакор гул қўрағамлари ва худуднинг озодлиги ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Ғолиблар 64-Халқаро “Гуллар фестивали” доирасида тантанали равишда тақдирлашни режалаштирилган.

БИЛИБ ОЛИНГ!

ҚАЙСИ ЙЎНАЛИШЛАРДА СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ?

“Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонида кўра, бир қатор мақсадлар белгиланган.

Жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун махсус хизматлар тизимини жорий этиш, ногиронлиги бўлган ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, уларнинг меҳнат бозорига кириши учун қўшимча имкониятлар яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, 2025 йил якунига қадар 80 минг нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг барқарор бандлиги ва муносиб даромад топишини таъминлаш режаланган. 2025 йил 1 июндан бошлаб: • 1 ва 2-гурӯх ногиронлиги

бўлган шахсларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига сурдофаржimon, психолог ва ҳамроҳлик хизматини ташкил қилиш харажатларини қоплаш учун 50 миллион сўмгача субсидия ажратилади; • жисмоний шахсларга ҳамроҳлик хизматини ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида кўрсатишга рухсат берилди; • “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида Меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон реестри юритилади.



Хукумат қарорига кўра, "ЭНГ НАМУНАЛИ ЯШИЛ ТУРИЗМ ОБЪЕКТИ" танлови ўтказилади.



1 июлдан "БИРИНЧИ ИМКОНИЯТ" TAMOЙИЛИ АСОСИДА биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган тadbиркор жавобгарликдан озод этилади.



1 июлдан "Экофаол фуқаро" платформасига ўзи эккан даракти тўғрисида маълумотлар киритган КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАР АЪЗОЛАРИГА СУБСИДИЯ ажратилади.

МАНЗАРА

Фақат билимда эмас, хунарда ҳам моҳирлар кўп

Ёшлар билан ишлаш мен учун шунчаки иш эмас, балки юракдан чиққан, ўзимга яқин бўлган машғулот. Ёшлар етакчиси сифатида иш бошлаганимдан буён беш мингдан ортиқ йигит-қизлар билан ишлаш, уларнинг ҳаётига оз бўлса-да, ижобий ўзгариш олиб кириш бахтига муяссар бўлдим.



Мафтуна МАМАДАЛИЕВА, Янгийўл туманидаги "Озод" маҳалласи ёшлар етакчиси.

Аваллари маҳалла хотин-қизлар фаоли сифатида ва тadbиркорлик йўналишида фаолият юритганман. Хар икки соҳа тажриба мактаби бўлса-да, ёшлар билан ишлашнинг ўзгача гаши бор. Чунки улар доимо изланишда, ҳаракатда. Хозирги ёшлар замондан бир қадам олдинда юришга интилади. Янги гоьлар, тақлифлар билан менга биринчи бўлиб мурожаат қилишади.

Уларнинг бу интилиши, айниқса, илм-фан ва спорт соҳаларида яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, 7 нафар ёш маҳалладошимиз

кураш бўйича Республика босқичига етиб борди. Фахр билан айта оламнки, яқин кунларда Хамиджон Охунов юртимиз шаънини ҳимоя қилиш учун Таиландда ўтказиладиган халқаро мусобақага йўл олади. Бу йигит бутун маҳалламизнинг ғурури!

Бундан ташқари, ёшларимиз ташаббускор, фаол ва интилувчан. Яқинда олий таълим муассасасини битирган уч нафар йигит-қиз инглиз тили, кимё, биология фанларини ўрганишни истаган ёшлар учун дарс ўтишни таклиф қилишди. Уларга дарҳол маҳалладан жой ажратиб, керакли шароитларни яратиб бердик. Хозирда 40 нафар ёш айнан шу ихтисосликлар бўйича бепул таҳсил оляпти.

Маҳалламиз ёшлари фақат билим олиш билан чекланиб қолмапти. Хунармандчилик, паррандачилик йўналишларида ҳам фаол.



"Ибрагим фарзандлари" ва "Ustoz AI" каби лойиҳаларда иштирок этаётган ёшлар сезиларли натижалар кўрсатмоқда. Жорий йилда маҳалладан 20 нафар ёш тил сертификатини кўлга киритди.

Фаолиятим мобайнида 35 нафар ёшга субсидия ажратдик. Айниқса, 10 нафар тикувчиликни ўрганган чевар қизларимиз бирлашиб, бўш турган бинода замонавий тикув цехи ташкил этишди. Мактаб ўқувчилари учун кийим тикиш ишларини йўлга қўйишди. Худди шундай, меннинг тавсиям ва ҳоким ёрдамчиси кумаги билан Отабек Хусанов паррандачилик учун кредит олиб, 5000 дона товук боқишни йўлга қўйди. Ишни яқинда бошлаганига қарамай, яхши даромад олаётгани кувонарли ҳол.

Юқоридаги мисоллар нафақат ёшларнинг ўзларига даромад манбаи, балки бошқа тенгдошлари учун намунали ташаббусдир.

Бугунги кунда "Долзарб 90 кун" тadbирлари доирасида ёшлар ўртасида шахмат, шашка, волейбол, футбол мусобақаларини ўтказиш билан бандмиз. Ёшларнинг бўш

вақтини мазмунли ўтказиш, уларни илм-фан, спортга жалб қилиш — асосий мақсадимиз. Ёшларимиз "IT", SMM, дастурлаш каби замонавий соҳаларга қизиқиш билдирмоқда. Улар орасида эртага жамият учун фойдали мутахассислар етишиб чиқишига ишонаман. Ўз навбатида биз ёшларнинг илм олишга интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз керак.

Афсуски, айрим имконияти чекланган ёшлар ўқув марказларига боришга моддий жиҳатдан қийналяпти. Биз фақат рўйхат асосида ёрдам бера оламиз. Аммо бундай ёшларга ўқитиш нархини тушириш, енгилликлар яратиш борасида ўқув марказлари билан ҳамкорлик қилишимиз зарур. Бу борада "маҳалла еттилиги" вакиллари билан тизимли ишларни бошлаганмиз.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

75 ЁШИДА ОРЗУСИГА ЕТГАН ОТАХОН

Музработ туманидаги "Фидокор" маҳалласида истиқомат қилувчи 75 ёшли Ҳожимурод Сувонов фарзандлари билан биргаликда "Сувоно Омон Турди" хусусий корхонасини ташкил этиб, бир неча йўналишда ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйган.



Отахон узок йиллик орзуси бўлган гуруч унидан экологик тоза макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш гоьсини ниҳоят амалга оширди.

— Гуруч ўзимизники, макарон ҳам табиий бўлсин, деб шу ишга киришдик, — дейди тadbиркор отахон. — Гуруч унидан тайёрланган макарон оддий ун маҳсулотларига қараганда кўпроқ калория ва фойдали витаминларга эга. У инсон танаси учун енгил ҳазм бўлади, асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис халқ саломатлиги учун жуда фойдалидир. Фаолиятимизни "еттилик" аъзолари қўллаб-қувватлашди. Кредит билан боғлиқ масалаларда доимо ёрдамга тайёр эканини билдиришди.

Хитой технологияси асосида жиҳозланган кичик цехда хозирда кунига 1-1,5 тонна экологик тоза макарон ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулот қатий санитария ва озик-овкат хавфсизлиги талабларига мувофиқ тайёрланади. Цехда ишлатилаётган гуруч ҳам айнан ўзларининг даласида етиштирилган.

Маҳсулотлар хозирда маҳаллий бозорларда хариддоргир бўлиб, мижозлар сони кундан-кунга ортмоқда. Тadbиркорнинг айтишича, яқин орада макарон турларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳсулотни экспортга чиқариш режалаштирилмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ишга киришда сертификат бўлиши зарурми?

Дилдора АБДУСАТТОВА. Шаҳрисабз шаҳри: — Хозирда ўқувчилар учун касбий сертификат сўралаяпти. Мен ўтган йили май ойида бепул ва август ойида тўловли сертификатлаш имтиҳонларидан ўта олмадим, натижада ишдан бўшатилдим. Энди ишга киришим учун яна сертификат талаб қилинадими?



Убайдулло ОРИПОВ, Қашқадарё вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи: — Сиз касбий сертификатга эга бўлмагангиз ҳам, ишга қайта қабул қилинишингиз мумкин. Чунки Меҳнат кодексининг 124-моддасига мувофиқ, иш берувчи ишга қабул қилаётганда ходимдан куйидаги ҳужжатларни талаб қилиши мумкин:

- олий ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини тугатганлик тўғрисидаги диплом;
- фақат ўша иш тури учун махсус тайёрларлик талаб этилганда — тегишли гувоҳнома ёки сертификат.

Педагогик иш фаолияти учун касбий

сертификат хозирда ишга қабул қилишда мажбурий ҳужжат сифатида белгиланмаган. Шу боис сертификатнинг мавжуд эмаслиги ишга қабул қилмаслик учун қонунан асос бўла олмайд.

Бироқ амалиётда, вазирликнинг ички тартиб-қоидалари асосида, ишга янги қабул қилинаётган педагоглардан белгиланган муддат ичида касбий сертификат олиши талаб қилинади. Шунинг учун сиз ишга кирганингиздан кейин навбатдаги имтиҳонларда иштирок этиб, сертификат олишингиз зарур.

Хулоса қилиб айтганда, сиз хозирги ҳолатда ишга қайта киришингиз мумкин ва кейинчалик касбий сертификат олиш имконияти ҳам мавжуд.

ИМКОНИЯТ

Кўшимча таълим учун кўшимча тўлов

Тез-тез эшитиб қоламиз: "Ўғлим мактабда яхши ўқияпти, лекин репетиторга пулимиз етмайди", "Қизим инглиз тилини ўрганишни жуда истайди, аммо тўгаракка бора олмайд". Бундай дардли гаплар, айниқса, даромади чекланган оилаларда тез-тез эшитилади...

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Хар бир ота-она фарзандининг билими, касб-хунари, замонавий дунёда ўз ўрнига эга бўлишини истайди. Аммо имкониятлар доим ҳам тенг тақсимланмаган. Шу боис давлат томонидан ижтимоий заиф тоифаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган савий-ҳаракатлар хар қандай оиланинг умидини уйғотади.

Хукумат қарори билан "Давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида айрим тоифадаги ўқувчиларни мактабдан ташқари

таълимга жалб қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланди. Бу Низом нафақат қонунчилик ҳужжати, балки минглаб болалар ҳаётида янгича саҳифа очиш имконини беради.


Низомга мувофиқ, "Камбағал оилалар реестри"да қайд этилган оилаларнинг фарзандлари мактабдан ташқари таълимга жалб этилади. Уларнинг дарсдан кейинги тўгаракларда қатнашиш харажатларининг 80 фоизи давлат томонидан қоплаб берилади. Бу жуда муҳим қадам, чунки ушбу оилаларнинг кўпчилиги хар ойда фарзандининг кўшимча таълими учун ортикча тўлов қилишга қийналяпти.

Эндликда таълим ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар бўйича 1 нафар ўқувчига хар бир тўгарак учун 1 ойлик тўлов куйидаги миқдорлардан ошмайди:

- 7-11 ёшдаги ўқувчилар учун дарсдан кейинги кўшимча таълим (ўзайтирилган кун гуруҳлари) — БХМнинг 1 бараваридан;
- 12-18 ёшдаги ўқувчилар учун умумтаълим фанлари, 15-18 ёшдаги ўқувчилар учун хоржий тил йўналишларидаги тўгараклар — БХМнинг 2 бараваридан;
- 15-18 ёшдаги ўқувчилар учун ахборот технологиялари, касб-хунар йўналишларидаги тўгараклар — БХМнинг 4 бараваридан.

Тўгарак тўловининг 80 фоизи давлат бюджетидан, 20 фоизи ўқувчининг ота-онаси томонидан тўланади.

Яна бир аҳамиятли жиҳат: ўқувчи ва таълим муассасаси ўртасида тузиладиган шартнома энди Ягона интерактив давлат



хизматлари портали (my.gov.uz) орқали амалга оширилади. Бу нафақат шаффофлик, балки ота-оналар учун қулайликни ҳам таъминлайди. Эндликда ҳеч

қандай ортикча қоғозбозлик ёки навбат кутмасдан, болани тўгаракка ёздириш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йил 13 декабр-

да ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилган ишлар ва 2025 йилдаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратилган эди. Давлат раҳбари 2025 йилда 118 минг нафар камбағал оила фарзандларини чет тили, "IT" ва касб-хунар тўгаракларига жалб этиш вазифасини қўйганди. Шу мақсадда тўгарак харажатлари учун бюджетдан маблағ ажратилади.

Бугунги кунда имкониятлар тенглаштирилмас экан, жамиятда қайсидир қатлам вакиллари қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Хукумат томонидан қабул қилинган юқоридаги низом айнан шу муаммони бартараф этишга қаратилган. Бу орқали минглаб болалар ўз қобилиятини ривожлантириш, замонавий билимларни эгаллаш ва келажақда мустақил ҳаёт куриш имконига эга бўлади.



Давлат олий таълим муассасалари кириш имтихонларида қатнашиш учун 732 минг 411 нафар АБИТУРИЕНТ ҲУЖЖАТ ТОПШИРДИ.



Сенат маъқуллаган қонунга кўра, Ўзбекистон ИМПОРТГА ИККИ ТОМОНЛАМА СОЛИҚНИ БЕКОР қилади.




Сотувчиларга “чегирма” эълон қилишдан олдин МАҲСУЛОТЛАР НАРХИНИ ОШИРИШ тақиқланиши мумкин.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Икки маҳалладаги икки муаммо

Менга бириктирилган маҳаллалар Фориш тумани марказидан 65 километр олинса, Навоий вилояти билан чегарадош ҳудудда жойлашган. “Ухум” маҳалласининг 70 фоизи, “Дўстлик” маҳалласининг 60 фоизи тоғлардан иборат. Қолган қисми чўл.



Шоҳруҳмирзо КУРАШОВ, Фориш туманидаги “Ухум” ва “Дўстлик” маҳаллалари солиқ инспектори.

Маҳаллаларнинг ҳудудлари катта, Айдаркўл бўй-ларигача чўзилган. “Ухум” маҳалласида 6 та, “Дўстлик”да 3 та қишлоқ бор. “Маҳаллабай” иш ташкил этилгач, “маҳалла еттичилиги” ҳамкорлигида ана шу олис манзиллардаги хонадонларни бирма-бир кезиб чиқиб, аҳолини солиқ соҳасидаги ўзгаришлар, тадбиркорларга яратилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳақида хабардор

этидик. Ҳар бир фермер хўжаликлари билан учрашиб, фаолиятини кенгайтириш бўйича маслаҳат бердик. Маҳаллаларда янги ўсиш нуқталари ни аниқлаб, аҳолини ишли қилишга, қўшимча даромад топишга ўргатдик. Натижада чорвачилик билан бирга, боғдорчилик, полизчилик, туризм, қисман балиқчилик ривожланди. Савдо-сотик, маиший хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари ҳамда тамаддиҳоналар сони кўпайди. Қувонарлиси, бу ернинг

аҳолиси боқиманда эмас. Бир-бирининг қилаётган ишига ҳавас қилиб, ўзлари ундан ҳам зўр иш қилишга ҳаракат қилади. Ҳар бир оиланинг ўнлаб кўй-эчкиси, 2-3 та соғин сиғири бор. Энг камбағал деганида ҳам 6-7 та майда моли бўлади. Тоғли ҳудудларда мавсумий туризм ривожлантирилиб, “Ухум” маҳалласида 8 та, “Дўстлик” маҳалласида 5 та оилавий меҳмон уйлари очилди. Ковракчилик билан шуғулланувчи қорхоналар ташкил этилиб, аҳоли мавсумий иш давомида қўшимча даромад топяпти. Чўл ҳудудлардаги хонадонларнинг аксариятида 50 сотихлик боғлари бор. Қорақўлчилик билан шуғулланаётганлари кўп. Кўп тармоқли тадбиркорлар сони ҳам кўпаймоқда. Улардан бири – Қўчқорбой Сирожов раҳбарлигидаги “Ухумлик Шервоншоҳ” хусусий қорхонаси бўлиб, у полизчилик, чорвачилик ва боғдорчилик йўналишларида фаолият юритяпти. Хурсандбой Чиннибеков бошчилигидаги “Султонбек Ақром” фермер хўжалиги эса қорақўлчиликдан ташқари, балиқчиликни ривожлантиряпти. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини бил-

дирган фуқароларга зарур маслаҳат ва кўмак беряпти. Бунинг натижасида тадбиркорлар сони ортди. Бугунги кунда менга бириктирилган мазкур маҳаллаларда 74 та юридик шахс, шундан 24 та си фермер хўжалиги, 192 та деҳқон хўжалиги, 12 нафар яққа тартибдаги тадбиркор фаолият юритяпти. 601 нафар фуқаро томорқачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва сотиш, тикувчилик йўналишларида ўзини ўзи банд қилган. Жорий йилнинг май ойида 196,5 миллион сўм солиқ тушумларини амалга ошириб, белгиланган режани 155 фоизга бажардим. Бу – фақат рақам эмас, балки маҳалладаги тадбиркорлар билан яқин ҳамкорлик, иқтисодий муаммоларни ечишга қилинган меҳнат ва фидойилик самарасидир. Албатта, бундай натижаларга эришишда “маҳаллабай” ишлаш тизимининг аҳамияти катта. Қувонарлиси, бугун тадбиркор ҳам, оддий фуқаро ҳам олдингидек туман марказига қатнаётгани йўқ, барча юмушлар маҳалланинг ўзида ҳал қилиняпти. Бироқ аҳолини қийнаётган ва ўйлантираётган масалалар ҳам бор. Улардан бири – сўнгги уч йил ичида



Бугунги кунда “Ухум” ва “Дўстлик” маҳаллаларида 486 та мол-мулк ва 484 та ер солиғи тўловчиси бор.

ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларни қонунийлаштириш учун 20 миллион сўмгача солиқ тўловларни тўлаш мажбурияти бўляпти. Бу, ўз навбатида, камбағал, моддий имконияти етарли бўлмаган оилаларга қийинчилик туғдирапти. Маҳалла аҳолиси бирлашиб, имкон қадар бундай оилаларга кўмаклашяпти, лекин ҳаммасига имкон йўқ. Агар ушбу масалада камбағал оилаларга қандайдир қулайлик яратилса, яхши бўларди.

Яна бири – сув тақчиллиги. Жорий йил дарё ва қудуқларда сув камайиб кетган. Чўл ҳудудларда мавжуд сув қудуқларидан самарали фойдаланмагани учун муаммолар юзага келяпти. Утган йили “Дўстлик” маҳалласининг Отақўрғон қишлоғига-ча Айдаркўл сув тўлқинлари урилиб турарди. Бу йил 6-7 километр олинса кетган. Кўриниб турибдики, сув масаласи йилдан-йилга жиддий муаммога айланяпти. Агар бу муаммолар юқори ташкилотларда ҳал этилмаса, камбағал оилалар сони ортиб бораверади.

ҲОЛАТ

КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Тошкент вилояти солиқ бошқармаси масъулларидан иборат ишчи гуруҳ Куйи Чирчиқ туманидаги маҳаллаларда бўлиб, ишсиз, камбағал оилалардан хабар олишди.

Нигора ҲОШИМХОНОВА.

Ўрганишлар давомида аҳолининг бандлигини таъминлаш орқали камбағалликдан чиқариш бўйича бир қанча амалий ишлар қилинди. Хусусан, “Дўстлик” маҳалласида Дўстлик кўчасида яшовчи, “Камбағал оилалар реестри”га киритилган Одина Рустамованинг оиласи ўрганилди. Одина ҳозирги кунда бола парварishi билан банд. Унга бола пулига ариза топширишга амалий кўмак берилиб, турмуш ўртоғининг ўзини ўзи банд қилиши таъминланди.




Ушбу маҳалладаги Оганай кўчасида яшовчи Дилором Рашидова ҳам “Камбағал оилалар реестри”да туради. Мазкур оиланинг оилавий ҳолати ўрганилганида Дилором ногиронлиги бор шахс экани, ўғли олий таълим муассасасида сиртки таълим шаклида шартнома асосида ўқиётгани учун пулини тўлашда қийналаётгани аниқланди. Ишчи гуруҳ раҳбари Анвар Зулфанов фуқаронинг илтимосига кўра, ўзига мос келадиган иш тури топишда ва ўғлининг мутахассислиги бўйича “устоз-шогирд” анъанаси асосида ишли қилинадиган бўлди. Шунингдек, мазкур хонадонга ичимлик сув тармоғи тортилди. Ишчи гуруҳ аъзолари мазкур маҳаллада яшовчи нафақадаги Нигора Қудратованинг хонадонига қурилиш ва таъмирлаш ишларида амалий ёрдам берди.

НАТИЖА

Йирик савдо тармоқларининг товар айланмаси 7,1 трлн. сўмдан ошди

Солиқ маъмурчилигида онлайн назорат-касса техникалари ҳамда рақамлаштиришнинг бошқа фаол тизимларини жорий этиш орқали такси ва дори воситалари каби истеъмол бозорларининг ривожланиш динамикасини кузатиш имконияти яратилган. Эндиликда таҳлилларда йирик чакана савдо соҳаси ҳам қамраб олинды.

Фискал чеклар, электрон ҳисоббарак-фактуралар ва етти та йирик савдо тармоғининг солиқ ҳисоботлари асосида уларнинг товар айланмаси, савдо ҳажми, харидорлар сони ва шу соҳада банд бўлган аҳоли тўғрисидаги маълумотлар шакллантириляпти. 2025 йилнинг январь-май ойларида йирик чакана савдо тармоқларининг умумий товар айланмаси 7,1 трлн. сўмдан ошди. Йирик чакана савдо тармоқларида харидлар бўйича ўртача чек миқдори қарийб 77,8 минг сўмни ташкил этди. Умумий ҳисобда 12,5 минг турдаги товарлар сотилган. “Soliq” мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтказилган чеклар асосида қайтарилган кешбэк суммаси қарийб 38,7 миллиард сўмни ташкил этди. Мазкур давр мобайнида умумий



харидорлар сони 1,9 миллион нафарни ташкил этди. Шундан 24,7 минг нафари кунига икки ва ундан ортик маротаба харидларни амалга оширган. **Йирик чакана савдо тармоқларида жами 22,7 минг нафар фуқаро иш билан банд.** Жорий йилнинг январь-май ойларида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси 655,3 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан деярли ярми – 311,3 миллиард сўм 30 ёшгача бўлган ходимларга тўри келмоқда. **Мазкур соҳада ўртача ойлик**

иш ҳақи 5,8 миллион сўмни ташкил этапти. Соҳани рақамлаштириш орқали маълумотларни ҳудудлар, алоҳида савдо нуқталари ҳамда товар категориялари кесимида кузатиш имконияти яратилды. Рақамлаштиришдан қўзланган мақсад – ноқонуний айланмалар ҳажмини қисқартириш, бизнес жараёнларининг шаффофлигини ошириш, шунингдек, давлат ва истеъмолчилар манфаатларини самарали ҳимоя қилишдан иборат.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Мевалардан даромад солиғи тўланадими?

Мамажон ШАРИПОВ, Фарғона вилояти:

– Ўзимнинг томорқамда турли хилдаги мева-сабзавот маҳсулотларини етиштираман. Ай-тинччи, ушбу етиштирилган маҳсулотларимни экспортёр қорхоналарга сотсам, олган даромадимдан солиқ тўлайманми?



Музаффар НАЗАРОВ, Солиқ кўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:

– Уй хўжалигида, шу жумладан, деҳқон хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олиннадиган даромадлар жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғидан озод этилган. Фақат манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари бундан мустасно. Шунингдек, экспортёр қорхоналар мева-сабзавот маҳсулотларини кейинчалик экспорт қилиш учун жисмоний шахслардан сотиб ол-

ганда, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан сотилган маҳсулотлар уларга ёки уларнинг оила аъзоларига ажратилган ер участкаларида етиштирилгани тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмасдан қўлланилиши белгиланган. Шунга мувофиқ, сиз олган даромадингиздан жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи тўламайсиз. Ушбу деҳқончилик маҳсулотларини бошқа шахслардан харид қилиб, уни кейинчалик бошқа шахсларга қайта сотиш ҳолатлари бундан мустасно.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

ТАЛАБНОМАГА ЖАВОБ БЕРИЛМАСА, ҲИСОБВАРАК ТЎХТАТИЛАДИ

Солиқ органлари томонидан ўтказилган камерал солиқ текширувлари натижасида аниқланган тафовутларга тузатишлар киритиш юзасидан солиқ тўловчи талабнома юборилади.

Мазкур талабномани олган кундан бошлаб, 5 кун ичида солиқ тўловчи тегишли солиқлар бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёки тафавутнинг ҳужжатлар асосида аниқланган тафовутларнинг асосномасини тақдим этиши лозим.



Ҳурматли солиқ тўловчилар, талабномани олган кундан бошлаб, 5 кун ичида аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёки тафовутнинг асосантирувчи ҳужжатларини (шахсий кабинет орқали) тақдим этишингиз лозим. Бундай мажбуриятнинг бажарилмаслиги банкдаги ҳисоббараклар бўйича операцияларни вақтинча тўхтатиб туришга сабаб бўлади.

Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати



Вояга етмаганларга ноқонуний равишда диний таълим берганлар ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА тортилиши мумкин.



Сенат МУХОЛИФ ПАРТИЯ ХУҚУҚЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ кўзда тутилган қонунни маъқулади.



ЖАҲОН БАНКИ гидроэнергетикани ривожлантириш учун Ўзбекистонга 150 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ажратди.

ҚУЛАЙЛИК

ПРОФИЛАКТИКА ХУДУДИ

Хуқуқ-тартибот маскани фуқароларнинг ҳимоя кўрғонига айланыпти

Президентнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида Самарқанд шаҳрида 4 та, Наманган, Урғут туманларида 2 тадан, Каттақўрғон шаҳри, Каттақўрғон, Булунгур, Нингхон, Нарнай, Пахтачи ва Самарқанд туманларида 1 тадан, жами 15 та маҳаллада хуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилди.



Ҳамидулло САҒДУЛЛАЕВ, Самарқанд вилояти ИИББ Ахборот хизмати раҳбари.

Улардан бири – Самарқанд шаҳридаги “Мустақиллик” маҳалласидаги 1-сонли “Хуқуқ-тартибот маскани”дир. Яқинда курилиб, фойдаланишга топширилган мазкур замонавий маскан бугунги давр талабларига тўлиқ жавоб беради. Бу ерда профилактика инспектори, суриштирувчи, тезкор ва саф бўлинулари ходимлари учун замонавий ва қулай хизмат хоналари ажратилган. Маскан ходимлари “Damas” хизмат автомашинаси билан таъминланган. Ху-

дуддаги 6 та маҳаллага хизмат кўрсатувчи ушбу маскан юртдошларимиз хотиржамлиги ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилапти. Бундай хуқуқ-тартибот масканлари маҳаллаларда жиноят ва хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактик ишлар қўламини янада кенгайтириш, хизмат самарадорлигини оширишда ижобий аҳамиятга эга. Энг муҳими, улар маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга қаратилган профилактик ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилапти, фуқароларнинг оғирини енгил, мушкулни осон қиладиган ҳимоя кўрғонига айланыпти.

“Ташвиш тугмаси” ташвишсиз яшашни таъминлаяпти

“SamAvto” заводи, қурилиш моллари бозори, тутуруқхона, тиббиёт коллежи, шифохона, хlebон, ресторан ва кафелар... Бу маъзилларга кунинг мишлага одамлар турли юмушлар билан келиб кетади. Бирни кундалик ишга келса, бири янги иморати учун бозорлик қилади, бири фарзандни, неварали бўлганидан хурсанд бўлса, яна бири бола ўлимидан дод-фарёд кўтаради.

Ислом ЗИЁДОВ, Самарқанд шаҳридаги “Шодлик” маҳалласи профилактика инспектори.

“Шодлик” маҳалласи ана шундай турли тақдирлар туташган қайноқ чорраҳада жойлашган. Бу эса биздан янада хушёрликни талаб этади. Шу боис кунлик иш фаолиятини аҳоли гавжум манзилларни айланишдан бошлайман. Чунки аксарият хуқуқбузарликлар жамоат жойларида, айниқса, тузуруқхонада кўп кузатиляпти. Эътиборлиси, жиноят содир этганларнинг кўпчилиги бошқа ҳудудлардан келган фуқаролардир. Улар “яшил” тоифага ўтишимизга тўсқинлик қилаётган асосий сабаблардан бири.

Бугун хуқуқбузарликлар оқибати билан эмас, балки унинг олдини олиш билан курашамиз. Бу борада “маҳалла еттилиги”, кўча бошилари билан тизимли ишляпмиз. Ҳар бир хонадон, корхона ва ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларига кириб, шахсий телефон рақамини тарқатиб чиқдим. Шунингдек, аҳоли ўртасида хуқуқбузарликларнинг оқибатлари ҳақида мунтазам тарғибот тадбирлари олиб боряпмиз.

Юқорида таъкидлаганимдек, маҳалламиз ҳар доим одамлар билан гавжум. Шу сабаб ҳудуд хавфсизлигини таъминлаш учун кўчаларга, чорраҳаларга, бозор ҳудудининг кириб-чиқиш жойларига, жамоат жойлари ва барча савдо дўконларига уч юзга яқин видеокузатув камералари қўйдик. Уларнинг 32 таси инсон юзидан ва автотранспортларни давлат рақамидан кимга тегишли эканини аниқловчи қурилма бўлиб, барчаси хизмат хонамга интеграция қилинган.


Қоронғулик жиноятнинг ўчоғи бўлишини инобатга олиб, барча



кўчаларга тунги ёритиш чироклари қўйилди. 25 та кўп қаватли уйнинг барчасига “ташвиш тугмаси” ўрнатилиб, қўриқлаш пультага уланди. Бундай чора-тадбирлар ҳар қандай жиноятчиликни “иссиқ” изида фош этишга ёрдам берапти.

Оила-турмуш муносабатлари доимий эътиборимизда. Бу борада “маҳалла еттилиги” билан тизимли ишлар ташкил этиляпти. Ишсизлик жиноятчиликнинг асосий сабабларидан бири эканини инобатга олган ҳолда, фуқаролар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Низоли, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишляпмиз. Ҳар бири ҳақида “еттилик” аъзоларига ижтимоий профилактик хулосаси асосида бириктириб, ижтимоий-маиший муаммоларини биргаликда ҳал этияпмиз. Шу тариқа нотинч оилалар яраштириляпти. Бу жараёнда оила бекаларига берилётган ҳимоя ордери яхши натижа берапти.

Тўртта оила бекасига ҳимоя ордери бердик.



“Эскроу” тизими уй олувчиларни тўлиқ кафолатлайди

Сўнгги йилларда мамлакат бўйлаб кўп қаватли тураржойлар қурилиши жадал ривожланыпти. Уй қурувчилар орасида шу соҳада кўп йиллик тажрибали фирмалар билан бирга, хаваскорлари ҳам талайгина. Уларнинг айримлари қураётган уйнинг пойдевори қўйилмасдан олдин одамлардан маълум миқдорда пулларини олиб, шартномада кўрсатилган муддатда фойдаланишга топширмайпти. Фуқаролар билан сохта шартномалар тўғрисида, 40 миллиондан ошмиш ўзлаштирилганлари ҳам бор. Уйини қуриб битказган тақдирда ҳам кадастр хужжатини, газ ёки сув билан боғлиқ коммунал тармоқларда муаммолар кузатиляпти.

Мақсадбек КЎЧҚОРОВ.

Эндиликда уй-жой сотиб олувчиларнинг пуллари кафолатли ҳимояланади. Чунки Президентнинг “Уй-жой қурилиши соҳасини янада ривожлантириш, турар ва нотурар жой объектларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан турар ва нотурар жой объектларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнини янада тартибга солишга қаратилган аниқ тизим белгиланди.

Бу жараёнда, аввало, улушли қурилиш иштирокчилари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, уй-жойларни ва бошқа кўчмас мулк объектларини ҳамда ипотека кредити асосида сотиб олишининг ишончли ва самарали имкониятлари яратилляпти.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг маълум қилишича, энди қурилишга улуш киритиш фақат нотариал тасдиқланган ва кадастр органларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома

асосида амалга оширилади. Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб қурувчилар ва мижозлар ўртасидаги улуш киритиш шартномалари мажбурий тартибда нотариусда тасдиқланиши ва кадастр рўйхатидан ўтказилиши шарт. Бу жараёнда шартнома кадастр органларида рўйхатдан ўтказилганда, улушдорда, яъни сотиб олувчида талаб қилиш хуқуқи вужудга келади.

1 июлдан янги – “эскроу” тизими жорий этилади. Бу тизим улушдор, яъни уй-жой сотиб олиш истагидаги харидорнинг хуқуқларини тўлиқ ҳимоялаб, тўлов пуллари ишончли сақланишини кафолатлайди.

Хўш, тизим қандай ишляйди? Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Саидносир Усмоновнинг маълум қилишича, “эскроу” тизими – бу қурувчи ва харидор ўртасидаги олди-сотдиннинг янгича шакли. Эндиликда ҳали битмаган уйдан квартира сотиб олмақчи бўлган фуқаро ўша уйга ўз маблағларини кириш орқали улушдорга айланади. Бунинг учун қурувчи, яъни девелопернинг ўзига эмас, банкка тўлов қилади. Улушдорнинг тўлаган пуллари алоҳида “эскроу” ҳисобварағида

“Эскроу” ҳисобварағида йўналтирилган пул маблағларини тўхтатиб қўйиш ёки ҳисобдан чиқариш ҳамда мажбурий ижрога қаратиш тақиқланади.

йиғилиб борилади. Уй битмагунча қурувчи компания бу пуллardan фойдалана олмайди. Турар жойни эса ўз маблағлари ёки банк кредити асосида қуриб битказди.

Улушли шартнома орқали девелопер кўрсатилган уйни қуриб, ўз вақтида топшириш мажбуриятини олади. Банк эса улушдорнинг пул маблағлари “эскроу” ҳисобварағида йиғилиши, хавфсиз сақланиши, шунингдек, уй-жой қурилишини лойиҳавий молиялаштириши амалга оширади ва бу билан уй-жойни ўз вақтида сифатли қуриб, эгасига етказиб бериши кафолатлайди.

“Эскроу” тизими доирасида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида уй-жойлар қурилиши бўйича ягона шаффоф электрон платформаси 2025 йил 1 июлдан ишга туширилади. Девелоперлар уй-жойни шу

платформада рўйхатга қўймасдан, аҳоли маблағларини улуш киритиш асосида жалб қила олмайди. Девелопер объектни платформага киритгач, банк томонидан уйни ўз вақтида қура олиш имкониятлари ўрганилади. Қурилиш жараёнида ишнинг бажарилиш режаси назорат қилиб борилади.

Электрон платформада қурувчи компания ва объект ҳақидаги барча маълумотлар, хусусан, объектнинг лойиҳа бўйича жойлашган аниқ манзили, қаватлари, кириш йўлақлари, қолаверса, компаниянинг лойиҳавий хужжатлари, ижобий экспертиза хулосаси, қурилиш бошланганидан сана ва фойдаланишга топшириш муддати каби маълумотлар жамлаб борилади. Бу ахборотларни харидорлар ҳам платформада кузатиб боришлари мумкин. Яъни, қурувчи руҳсатномасининг мавжудлиги, рейтинг

ва олдинги лойиҳалари ҳақида билиб олишлари мумкин бўлади. Қурилиш жараёнининг платформа орқали шаффоф кузатиб борилиши ўз навбатида, уй-жой қурилиши бозоридagi инвестициялар хавфсизлиги ва ишончли девелоперлар бозорининг шаклланишига хизмат қилади.

“Эскроу” ҳисобварағида жамланган маблағлар кўпайиши натижасида девелопер ташкилотларига лойиҳавий молиялаштириш доирасида амалдаги ставкаларга нисбатан анча пастроқ ставкада маблағлар ажратилади. Бу эса “эскроу” тизими жорий этилгач, янги уй-жойларнинг нархи кескин ошиб кетади, деган маълумотларни инкор этади.

Қурилиш битиб, харидор хондонини қабул қилгач, унинг банк ҳисобварағидаги пуллари девелопер ташкилотга йўналтирилади. Қурувчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, бу пул фуқарога тўлиқ миқдорда қайтариб берилади. Яъни, уй битмай қолса, харидор қуйиб қолмайди, банкка қўйган пуллариини муаммосиз қайтариб олади.

Яна бир эътиборли томони, харидор шартномани белгиланган тартибда расмийлаштириб, кадастр органларида рўйхатга олинганидан сўнг, фуқаро мазкур улушни ҳали уй битмай туриб, мулк сифатида ҳада қилиши, сотиши ёки бошқа бир шахсга васият қилиб қолдириши мумкин. Бир сўз билан айтганда, янги қуриляётган уйлари белгиланган муддатларда эгаларига топшириш ва аҳоли тўлаган пуллариининг музлаб қолмаслиги тўлиқ янги тизим назоратига ўтади.

ҚУЛАЙЛИК





Ҳар йили **ОДДИЙ МАКТАБЛАРНИНГ 1,5 МИНГ НАФАР ЎҚУВЧИСИ** дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларига тайёрланади.



Ўзбекистон 2028 йилгача **1,6 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК МУҲИМ ХОМАШЁ** лойиҳаларини амалга оширади.



Сенаторлар Ўзбекистоннинг **ЯДРОВИЙ ЗАРАР УЧУН ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИ** тўғрисидаги конвенцияга қўшилишни маъқуллади.

ИМКОНИЯТ

МЕҲР ВА АДОЛАТ МЕЗОНЛАРИ УСТУВОР

Мамлакатимизда кенг жорий этилаётган “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида Янгиер шаҳридаги “Кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати” муваффақиятли фаолият юритмоқда. Президент қарорига асосан, бу хизмат ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз кекса ёки ногиронлиги бўлган шахсларга марказларда ҳафтасига 5 кун, 8 соатлик форматда тақдим этиляпти.

Авазбек АБДУСАМАТОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сирдарё вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар ва камбағал оилалар, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” орқали нафақа ва ёрдам олувчиларга кўрсатилган хизматлар учун тадбиркорлик субъектлари ваучер шаклида маблағ олади. У “Оила ҳамкори” платформаси орқали тақдим қилинади.

— Бу қулайлик, аввало, “Камбағал оилалар реестри” ва “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқаро-

тини яхшилашга қаратилган. Бундай имконият уларга нафақат жисмоний, балки руҳий ёрдам ҳам бермоқда. Қайд этиш керакки, кун давомида бажариладиган юмушлар орасида интеллектуал ва жисмоний машғулотлар ҳам бор. Бу нафақат соғлиқни, балки инсоннинг кайфиятини ҳам кўтаради.

— *Мана бир ой бўлди бу ерга келаятганимга, — дейди хизматдан фойдаланиб келаятган Незмат Расулбердиев. — Ҳар кунни дўстлар билан суҳбат, ўйин, таомимиз тайёр. Ўзимни қадрли инсондек ҳис қиламан. Биргаликда овқатланиш, мулоқот, жисмоний ҳаракатлар — барчаси менга куч ва ҳаётга қизиқиш беради.*

Жамиятда меҳр ва адолат мезонла-



лар учун мўлжалланган, — дейди Янгиер шаҳар “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази бош мутахассиси Санжар Ёқубов. — Хизмат орқали ўзгалар парваришига муҳтож фуқароларга ҳақиқий ғамхўрлик, уларга қараб турган яқинларига эса ишлаш, ўқиш ёки қўшимча касб-ҳунар ўрганишига имкон яратилапти. Ҳозирда 9 нафар шахс марказ хизматларидан фаол тарзда фойдаланмоқда.

Марказда хизмат кўрсатувчи ходим Ноила Хотамқулованинг таъкидлашича, ҳар бир кун муайян режа асосида ўтади: овқатлантириш, мулоқот, жисмоний машқлар, ўзига хизмат қилиш кўникмалари — барчаси муҳтож инсоннинг кайфияти ва руҳий ҳола-

ри асосида барча қатламлар учун тенг имконият яратиш — бу мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотларнинг бош мақсадидир. Янгиерда йўлга қўйилган “Фаол ҳаёт” маркази тажрибаси шундан далолат берадики, ижтимоий хизматлар нафақат ёрдам, балки инсон қадрини янада улуғлаш воситаси ҳамдир.

Бугунги кунда давлат томонидан кўрилатган чоралар, маҳаллий даражадаги ташаббуслар ва фуқароларнинг фаол иштироки мамлакатимизда ижтимоий адолатни амалда таъминлаш сари қатъий қадамлар ташланаётганини кўрсатади. Бу эса “Инсон қадри учун” деган бош ғоя ҳаётда ўз ифодасини топаётганидан дарак.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Янги ғоя ва лойиҳа ижтимоий фаолликни оширади




Ҳар кунни эрта тонгда ишга отланар эканман, хаёлан кимга қандай ёрдам беришим кераклигини режалаштираман. Домим қилинадиган ишлар топилади. Баъзан оилаларни камбағалликдан чиқариш ҳамда фаровон турмуш кечирishiга кўмаклашсак, баъзида ногиронлиги бўлган фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилашга ҳаракат қиламиз.

Шаҳнозаҳон АБДУРАИМОВА, Фарғона шаҳридаги “Афросиёб” маҳалласи ижтимоий ходими.

Шу билан бирга, янги ғоя ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали аҳоли вакилларининг ижтимоий фаоллигини оширишга эришяпмиз. Бу тушқунликка тушган ёки жамият ҳаётидан ажралиб қолган кишиларнинг ҳаётига мазмун ва нур олиб киришга хизмат қилмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини биносининг бўш турган хонасида мини-лойиҳа асосида янги ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилгани ҳам шу мақсад сари ташланган муҳим қадам бўлди.

“Илм — инсон қамоли” номи оланг мазкур ўқув марказида болалар инглиз ва рус тили ҳамда ментал арифметика бўйича ўз билимларини мустаҳкамлашмоқда. Ҳозирда 24 нафар ўғил-қиз машғулотлар-



2025 йил 1 июлдан бошлаб қуйидаги янгиликлар амалга киритилади:

- 1 ёки 2 гуруҳ ногиронлиги белгиланганда, алоҳида мурожаат талаб этилмасдан пенсиялар тайинланади;
- кўриш қобилияти бўйича 1 гуруҳ ногиронлигига, радиация объектларида хизмат қилганларга компенсациялар автоматик тайинланади;
- ногиронлик пенсияси тайинланган фуқароларда 1 йил иш стажига бўлса, пенсия миқдори ҳар 2 йилда автоматик қайта ҳисобланади.

да қатнашаётган бўлса, уларнинг 10 нафари “Камбағал оилалар реестри”да турувчи оила фарзандлари ҳисобланади. Улар учун ўқув курслари мутлақо бепул. Маҳаллада ижтимоий реестрларда турувчи оилалар сони 80 дан зиёд экани инobatга олинса, лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти юқори экани аниқлашади.

Дарсларни профессионал тарзда олиб бориш учун икки нафар малакали ўқитувчини жалб қилдик. Ўзбекистонда, бу мутахассислардан бири ҳам “Камбағал оилалар реестри”да туради, эндиликда у доимий даромад манбаига эга бўлди.

Болалар ёзи таълими янада мароқли ўтказишлари учун мўъжаз кутубхона ҳам ташкил этилиб, янги нашр этилган китоблар жамланди. “Маҳалла еттичилиги”нинг кўмаги билан келгусида ўқув маркази ва кутубхона фаолиятини кенгайтириш мақсад қилинган.

“Инсоннинг яшашдан мақсади нима?”, деган саволни ўзимга жуда кўп бераман. Назаримда, бу бизнинг зиммамизга юклатилган масъулият. Шу билан бирга, катта сиёсий демок. Агар ҳар биримиз мазкур ҳақиқатни теран англаган ҳолда ҳаёт кечирсак, атрофимиздагиларнинг ҳам мушкулларини осон қилган бўлаемиз.

ТАҚДИРЛАР

Кўп қиррали ёрдам — юксак маънавий салоҳиятдан далолат

Шўрчи туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари инсонийлик ва меҳр-мурувват тамойилларига асосланган ҳолда маҳаллаларда амалий ишлар олиб бормоқда. Бу борада тумanning “Еш ғайрат” маҳалласида истиқомат қилувчи Сайрам Қурбонова ва унинг оиласига кўрсатилган ёрдамлар алоҳида эътирофга лойик.



Фуқаро оғир хасталик туфайли тушакка михланиб қолган эди. Унинг ахволдан хабардор бўлган маҳалладаги ижтимоий ходим Икбол Приқулова ташаббуси билан Сайрам опа тиббий кўриқдан ўтказилди ва 1 гуруҳ ногиронлиги расман белгиланди. Ижтимоий ходим томонидан соғлиги тикланаётган онани ҳаётга қайтаришга қаратилган саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Жамиятга аралашуви ҳамда одамлар билан мулоқотини тиклаш мақсадида аёлга махсус аравача тақдим этилди. Кўрсатилган психологик ёрдам сабаб унинг руҳий ҳолати анча яхшиланди.

94-сонли оилавий поликлиника шифокорлари билан ҳамкорликда Сайрам опага бепул дори-дармонлар ажратилди ва доимий патронаж хизмати ташкил этилди. Бу орқали беморга зарур тиббий хизматлар мунтазам кўрсатиб бориладиган бўлди.

Бундан ташқари, Сайрам опанинг II гуруҳ ногиронлиги бўлган турмуш ўртоғи Жума Раҳмонов туман тиббиёт бўлимига навабчи қоровул сифатида ишга жойлаштирилди ва рўзгорига даромад олиб киришига эришилди. Бу нафақат оилани моддий таъмин-

тини яхшилади, балки ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилди.

Фуқаро билан бирга яшовчи келини Ноила Жумаева эса қайнонасига расман қаровчи сифатида тайинланди. Шунингдек, унга кам таъминланган оила фарзандлари учун болалар нафақаси берилляпти.

Ҳозирги кунда Сайрам Қурбонованинг соғлиги барқарор тикланмоқда. Унинг ҳаётга қизиқиши янада ортган, руҳий ва жисмоний ҳолати яхшиланди. Буни эса давлатимиз томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган эътиборнинг амалий натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

Шўрчи тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ижтимоий ходимларининг ушбу фидокорона меҳнати намуна сифатида кўрсатишга арзийди. Сайрам опа Қурбонова ва унинг оиласига кўрсатилган кўп қиррали ёрдам — фақат бир оиланинг эмас, балки бутун жамиятнинг инсонпарварликка асосланган юксак маънавий салоҳиятини кўрсатиб турибди.

Бу каби ижтимоий хизматлар бугунги кунда вилоятимиздаги 700 дан ортиқ маҳаллаларида ҳам янада кенг қамровда давом эттирилиши, кўп-кўп эҳтиёжманд фуқаролар ҳаётда ижобий ўзгаришларга сабаб бўлиши шубҳасиз.

ПАНОҲ

“БИЗ БИР ОИЛАГА АЙЛАНДИК”

Яқинда Бухоро вилоятида ота-онаси чет элда қаровсиз қолдирган ака-укалар аниқланиб, Ўзбекистонга қайтарилди. Болаларни Бухоро тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази назоратга олиб, уларнинг тақдирини масъулият билан ўрганила бошланди.




Аввало, марказнинг ҳуқуқий масалалар бўйича экспорт-маслаҳатчиси оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва алимент ундириш юзасидан фуқаролик судига даъво аризаси киритди. Болалар эса Пешку туманидаги Оилавий болалар уйига жойлаштирилди. Уларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш ва ижтимоий мослашувини кучайтириш мақсадида қўшимча фан тўғрақларига жалб қилинди.

— 45 йил мактабда дарс бердим, нафақага чиққач, оилавий болалар уйини ташкил этишга қарор қилдим, — дейди Пешку туманидаги Оилавий болалар уйи раҳбари Шоира ПАНОВА. — 7 нафар қизим бор, 6 нафарини турмушга узатганман. Бу болалар келиб ўйини яна шодон қилди. Ўзбек тилини алифбодан бошлаб ўргатдим. Бирга дарс қиламиз, китоб ўқиймиз, ҳаётни бирга ўрганаемиз. Энди биз — бир оиллага айландик.

Айни ҳолат ижтимоий хизматлар тизими томонидан болаларни ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган инсонпарвар ва тизимли ёндашуви намунаси демок. Бу эса болаларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдалана олиши, таълим олиш ва соғлом муҳитда вояга етишини таъминлашга хизмат қилади.

Зарнигор НАФИДИНОВА, журналист.

БУНЁД РУФАТОВ спорт курашлари бўйича Осиё чемпионатида эркин кураш йўналишида олтин медални қўлга киритди.



FUTSAL ASIAN CUP INDONESIA 2026 QUALIFIERS							
DRAW RESULTS							
GROUP A	KUW	GROUP B	THA	GROUP C	JPN	GROUP D	IRQ
	AUS		KOR		TJK		NSA
	MNG		BHR		MAL		TPE
	IND		BRU		CAM		PAK
GROUP E	VIE	GROUP F	UZB	GROUP G	IRN	GROUP H	AFG
	LBN		KGZ		MAS		MYA
	CHN		TLS		UAE		MDV
	HKG		PLE		BAN		

ФУТЗАЛ БЎЙИЧА ОСИЁ КУБОГИ саралаш босқичида Ўзбекистон Қирғизистон, Шарқий Тимор ҳамда Фаластин терма жамоалари билан куч синашади.



ШОҲИСТА НАЗАРОВА аёллар курашида ҳиндистонлик Чештани мағлубиятга учратиб, Осиё чемпионига айланди.

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

Маълумки, иссиқда инсон терлайди. Терлаш туфайли вужудда, шу жумладан, қонда ҳам сув миқдори камаяди ва бош мианинг гипоталамус қисмида махсус нерв марказлари кўзғалиб, киши чанқоқни ҳис қилади. Ушбу ҳолатга барҳам бериш учун анча-мунча сув ичишга тўғри келади. Шунда чанқоқ сал-пал пасаяди, лекин бироз вақт ўтиши билан яна ташналик ҳисси пайдо бўлади. Ана шундай ҳолларда кўпчилик сув истеъмол қилишда адашади, ортқича сув ичади. Натижада, ноҳуш ҳолатларга учрайди, юрак-қон томирлар, буйрақлар ишига қўшимча юклама тушади, киши бехузур бўлади.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

БАДАНТАРБИЯ

ЧАНҚОҚ ҚАНДАЙ ҚОНДИРИЛАДИ?

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кўп терлаш туфайли танани нафақат сув, балки керакли минерал моддалар, масалан, ош тузи ва бошқа ҳар хил мураккаб кимёвий моддалар ҳам тарқ этади. Ташналикни босиш учун эса тоза сув ичилади, холос. Бу йўл билан вужуднинг сувга бўлган эҳтиёжи қондирилса-да, йўқотилган моддаларга бўлган талаби очик қолаверади ва чанқоқ босилмайди. Шу боис ота-боболаримиз ёз пайтлари тоза сув ўрнига, асосан, айрон, чалоп, кўк чой ичишган. Чунки сут маҳсулотларидан тайёрланган суюқ ичимликлар таркибида сувдан ташқари айнан терлаган пайтда танани тарқ этадиган моддалар ҳам бўлади. Кўк чойда эса 160 дан ошмиқ шундай моддалар бор. Шунинг учун ёзнинг иссиқ кунларида сув ўрнига чой ичган маъқул.

Шуни ҳам ёзда тутиш жоизки, сувсаганда ичиладиган суюқликнинг таркиби ва миқдоридан ташқари, уларни қандай ичиш ҳам муҳим. Узлуксиз хўплашми ёки културлаб ичишим? Агар суюқлик културлаб, секин-аста ичилса, оғиз бўшлиғидаги махсус нерв учлари (рецепторлар) тегишли даражада таъсирланиб, бош миёдаги сувдан тўйиниш марказига етарли миқдорда нерв импульслари юборади ва тезроқ қониқиш ҳосил бўлади.



Идишдаги ичимлик тўхтовсиз ичилганида эса (кучли чанқоқанда кўпчилик айнан шундай қилади) рецепторлар орқали миёга хабар секин боради ва қабул қилинган суюқлик миқдорига нисбатан қониқиш ҳисси бирмунча кеч юзага келади. Натижада, эҳтиёж қараганда кўп ичимлик ичиб қўйилади.

Ёзда чанқоқнинг кучайишига терлаш туфайли танадаги қон реакциясининг кислотали томонга оз бўлса-да сурилиши ҳам олиб келади. Одатда қонда ушбу кўрсаткич кучис ишқорий бўлади. Кўп терлаш етарли миқдорда нерв импульслари юборади ва энергия алмашинуви ўзгаради,

юрак-қон томир, ҳазм қилиш тизимлари меъёрида ишламайди. Шундай пайтда ташналик юзага келиб, сув ичилади ва вазият бироз яхшиланади. Агар қабул қилинган суюқлик таркибида сувдан бошқа юқорида айтиб ўтилган моддалар ҳам етарли бўлса, қон реакцияси меъёрлашади. Бунинг учун эса истеъмол қилинадиган суюқликнинг ишқорий бўлиши асқатади. Масалан, минерал сувнинг ишқорий бўлиши кислоталиликнинг камайишига анчагина ёрдам қилади. Лекин кўп ҳолларда сувсаганимизда мазали бўлгани учун сув ўрнига

ҳозир сотувда кенг тарқалган турли рангдаги газланган ичимликларни истеъмол қиламиз. Аммо бу нотўғри. Чунки айнан шу ичимликларда кислоталилик анча кучли.

Энг яхшиси, чанқоқанда ҳар хил мевалар (олма, олча, ўрик, олхўри)дан камгина шакар қўшиб тайёрланган шарбатлар асқатади. Қолаверса, тарвуз, қовун, бодринг, помидор еб туриш ҳам чанқоқни қондиришда яхши ёрдам қилади. Чунки улардаги сув, биринчидан, таркиби билан танамизнинг тўқималаридаги сувга жуда яқин, иккинчидан, уларнинг реакцияси ишқорий, кислоталиликни тез пасайтиради.

Бу ўринда энг кучли чанқоқ-босди ичимлик оз миқдорда лимон шарбати қўшилган сув ҳисобланади. Лимонни кўпчилик нордон бўлгани учун кислотали хусусияти кучли деб ҳисоблайди. Лекин бу нотўғри. Унда ишқорийлик юқори туради. Сувни қайнатиб, совитгандан кейин бир стаканга озгина лимон суви ҳамда чорак чой қошиқ асал қўшиб ичилса, чанқоқ тез бартараф бўлади. Бу усул халқ табобатида кўп марта синаб кўрилган бўлиб, лимон ва асалга нисбатан аллергияси йўқ одамларга ёз кунлари жуда қўл келади.

Шониез ҚУРБОНОВ,
биология фанлари доктори, профессор.

Акробатика, бу — ишонч ва имкониятдир



Мунтазам жисмоний фаоллик боланинг соғлом воёга етишида катта аҳамиятга эга. Айниқса, узлуксиз равишда матлум бир спорт тури билан шуғулланиш тананинг кўркам ривожланишига ёрдам беради. Шундай машғулотлардан бири сифатида акробатикани келтириш мумкин.

Акробатика — бу тананинг тўлиқ ҳаракат қилиши ва мувозанатни сақлашга асосланган спорт тури ҳисобланади. Турли машқлар бажариш орқали бола тобора ўз жисмоний имкониятларини кенгайтиради. Тананинг барча аъзолари бирдек фаол иштирок этгани боис қон айланиш тизими янада фаоллашади. Мушакларнинг чўзилувчанлиги ортиб, кишига ўзгача энгиллик бағишлайди.

Мазкур спорт болани аввалгидан анча чаққон қилади. Кучидан унумли фойдаланишга ўргатади. Суюқликнинг мустаҳкамлигини оширади. Қон айланишининг яхшиланиши сабаб иммунитет тизими мустаҳкамланади. Тананинг турли вирусли касалликларга қарши курашувчанлиги ортади. Энг эътиборлиси, акробатика спортчида интизом ва масъулиятни шакллантиради. Қолаверса, боланинг ўзига бўлган ишончини оширади.

Акробатика билан 3-4 ёшдан бошлаб шуғулланиш мумкин. Дастлабки машғулотлар умумий ривожланиш ва энгил ҳаракатларни ўргатишга қаратилади. Кейинчалик машқлар мураккаблашиб, боладан кўпроқ

Равшан АБДУҲАМИДОВ,
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчиси.

ҳаракат қилишни ва диққатини бир жойга жамлашни талаб қилади. Айрим ота-оналар мазкур спорт турида фарзандининг жароҳат олиш эҳтимоли юқори эканидан хавотир олади. Лекин тўғри танланган мураббий бу эҳтимолни бутунлай бартараф эта олади.

Шу ўринда акробатика билан шуғулланишдаги айрим чекловларга ҳам тўхталиб ўтиш ўринли бўлар эди. Хусусан, сурункали касалликлардан азият чекаётганлар, ортқича вазнли, қандли диабет ёки оғир касалликларга чалинган болалар учун машғулотларга бориш тавсия этилмайди. Жисмоний машқлар унинг аҳволини янада оғирлашишига олиб келиши мумкин.

Қандай спорт тури бўлмасин, инсонни жисмоний фоллигини оширади ҳамда саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Айниқса, энгил ва осон бажариладиган машқлар ҳар биримизнинг кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши зарур.

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

ФАРЗАНДНИ УРИБ ТАРБИЯЛАШ ТЎҒРИМИ?

М. ТОҲИРОВА,
Тошкент шаҳри:

— Келинимнинг бир ишидан кўнглим ранжиди. Набираларимни кўп уради. Қанча насихат қилдим, ҳатто каттиқ гапириб ҳам кўрдим, ҳеч фойдаси бўлмади. Барибир ўз билганидан қолмайди. Сабабини сўрасам, тушунтириб беролмайди. Келинимнинг қилаётган иши тўғрими?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Болани уриш, бу — тарбия беришда маҳоратсизлик белгиси ҳисобланади. Чунки ҳақиқий солиҳ инсонлар болаларини ширин сўзлар билан воёга етказишади. Фарзанд хато иш қилганида танбеҳ бериш, уриш-сўкиш тарбиядаги нотўғри ёндашувдир.

Инсон зоти доимо меҳр-муҳаббатга эҳтиёжли бўлади. Айниқса, болалар бу нарсага жуда ҳам муҳтожлар. Аслида, меҳр-муҳаббат дини бўлмиш Ислом буни ота-оналарга вазифа этиб юклаган.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўз хузурларида Акраъ ибн Ҳобис Таймий ўтирганда, Ҳасан ибн Алини ўпдилар. Шунда Акраъ: "Менинг ўнта болам бор. Улардан бирортасини ўпганим йўқ", — деди. Шунда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга назар солдилар-да, сўнг: "Раҳм қилмаганга раҳм қилинмас", — дедилар" (Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар).

Шундай экан, биз ҳам бизга ато қилинган фарзанд деб аталмиш неъматнинг қадрига етишимиз, унинг одобини гўзал қилишимиз, келажақда ўзи учун ҳамда яшаб турган жамиятига фойда келтирувчи қилиб тарбиялашимиз лозим.

Юртимизда ёз мавсуми бошланди. Албатта, бу фаслда минтақамизга хос бўлган қуруқ, иссиқ ҳаво кузатилади. Айниқса, сўнгги йилларда бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам ҳарорат юқорилаб борапти. Шундай экан, бундай пайтда қандай тавсияларга амал қилиш керак?

ТАВСИЯ

ҚАЙСИ РАНГДАГИ КИЙИМ ИССИҚДАН АСРАЙДИ?

Азизбек НИЗОМОВ,
Олмазор тумани
тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.



Кўпчилигимиз ёз фаслида қуёш нурларидан баҳраманд бўлишга одатланганмиз. Аммо буюм ҳам фойдали эмас. Айниқса, қуёшда ультрабинафша нурлари юқори бўлган пайтда очик ҳавода юриш саломатлик учун зарарли.

Шу боис иссиқ ҳавода табиий, ёрқин рангдаги, пахта матосидан бўлган кийимларни кийиш мақсадга мувофиқ. Мавсумга мос бундай либослар терини қуёшнинг зарарли нурларидан ҳимоялаб, унинг нафас олишига ёрдам беради ҳамда тана қизиб кетишининг олдини олади.

Тадқиқотларга кўра, қизил, қулранг ва сариқ рангли кийимлар иссиқликни, ялтироқ ва шойи матолар эса ультрабинафша нурларини яхши қайтаради.

Шундай бўлса-да, имкони борича тўғри тушаётган қуёш нурларидан сақланишга ҳаракат қилиш ва бош кийим кийиб юриш лозим. Чунки бош териси қуёш нурларидан куйишга мойил.

